

Беш вақт намознинг вақтларини билиш лозимлиги | Ҳадис дарслари (277-дарс)

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

277-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 11 апрель 907

يَضْرُورٌ مَعَهُ نَبِيٌّ هَلْ لَإِذْ بَعَثْنَا نِعْمًا
لِوَسْرٍ رَّالِيَّةِ سِاقُ هُنَّ هَلْ لَإِ
هِيَ لَعُهُ هَلْ لَإِ يَلَّصِ هَلْ لَإِ
تَأُولُ صِلَاتُ قَوْوُ نَعْمٌ مَّ لَسَوُ
أَمْ رَجْفُ لَإِ صِلَاتُ قَوْوُ لَاقَفُ
سَمَّ شِلَا نُرْقُ غُلْ طِي مَل
إِذَا رُهُ ظَلَا لَإِ صِلَاتُ قَوْوُ لَ وَالْأِ

نُطَبُّ نَعْسُ مَشَلَاتِ لَازِ
رُصَعْلَا رُضْحَي مَلْ أَمْءَامْسَلَا
مَلْ أَمْ رُصَعْلَا ةَالَصُ تُقَوَّو
طُقْسَيَّو سُمَّشَلَا رَفْصَت
ةَالَصُ تُقَوَّو، لَّوَالَا أُهُنَّرَقِ
أَمْ سُمَّشَلَا تَبَاغِ إِذَا بَرَعْمَلَا
تُقَوَّو، قَفَّشَلَا طُقْسَيَّو مَلْ
فُصْنِ يَلَا ءَأَشْعَلَا ةَالَصُ
أَلَا ةَسْمَخَلَا هَاوَرِيَّيَلَا
يِرَاخُبَلَا

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозларнинг вақти ҳақида сўралди. Бас, у зот:

«Бомдод намозининг вақти қуёшнинг аввалги шохи чиқмагунча, Пешин намозининг вақти қуёш осмон қорнидан заволга кетганидан Асрнинг вақти киргунича, Аср намозининг вақти қуёш сарғайиб, аввалги шохи ботгунича, Шом намозининг вақти қуёш ғойиб бўлганидан шафақ тушгунича, Хуфтон намозининг вақти кечанинг

ярмигача», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам асосан, ҳар бир намознинг охирги вақтини баён қилмоқдалар. Эҳтимол, савол намозларнинг охирги вақти ҳақида бўлгандир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни баён қилиб, шомнинг охирги вақти шафақ ғойиб бўлгунича бўлса ҳам, олдинги вақтида ўқиш яхшилигини таъкидлаган бўлишлари мумкин. Хуфтоннинг охирги вақти ушбу ҳадис айтилган пайтда кечанинг ярмигача бўлган бўлса ҳам, кейинчалик тонг отгунича, деб ҳисобланган.

هُنَعُ هَلَلَا يَضَرُّ رَبَّ اجَلِي سَو
هُلَلَا يَلَصَّ يَبْنَلَا ةَالَصُ نَع
نَاكَ : لَاقَفَ مَلَسَو هِيَلَع
ةَرَجَاهَلَابَ رُهُظَلَا يَلَصِي
ةِيَحُ سُمَّشَلَاو رُصَعَلَاو
ءَاشَعَلَاو ، تَبَجَّو اِذَا بَرَعَمَلَاو
اُولَقِ اِذَاو لَجَعُ سَانَلَا رُثَكَ اِذَا
هُاورِ سَلَغَبَ خَبُصَلَاو ، رَخَّأ
يِذِمَّرْتَلَا اِلْةَسْمَخَلَا

Жобир розияллоҳу анҳудан Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намозлари (вақти) ҳақида сўралди.

«Бас, у киши:

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Пешинни қуёш қиздирган пайтда, Асрни қуёш тирик турганида, Шомни қуёш ботганида, Хуфтонни одамлар кўп бўлса, эртароқ, оз бўлса, кечроқ, Бомдодни тонг қоронғисидан ўқир эдилар», деди».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Шарҳ: Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида ўзлари кўрган ҳолатни баён қилмоқдалар. У кишининг айтишларича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам одатда Пешин намозини заволдан кейин, қуёш қиздирган пайтда ўқир эканлар.

Арабларда бу вақт «ҳожира» дейилади. Бунда ҳижрат маъноси бўлиб, ҳаво исиб кетганлиги учун ҳамма ишини ташлаб, уйига қараб ҳижрат қиладиган — қочадиган вақти бўлади.

«Асрни қуёш тирик турганида» ўқир эканлар.

Бу – қуёшнинг ранги ҳам, иссиқлиги ҳам ўзгармай турганида, яъни ботишига яқинлашмай туриб, деганидир. Кўриниб турибдики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аср намозини ҳам худди Пешин каби олдинги вақтида ўқиган эканлар.

«Шомни қуёш ботганида» ўқир эканлар.

Бу ҳам бошқа намозлар каби дастлабки вақтида ўқишдир.

«Хуфтонни одамлар кўп бўлса, эртароқ, оз бўлса кечроқ» ўқир эканлар.

Хуфтонда вақт бемалол бўлгани ва иш ёки дам олишга шошилилмагани учун у жамоат етарли бўлса, эртароқ, бўлмаса, одам кўпайишини кутиб, кечроқ ўқилар экан.

«Бомдодни тонг қоронғисидан ўқир эдилар».

Тонг отганидан кейинги қоронғилик даври ҳам Бомдод намозининг олдинги вақти ҳисобланади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Беш вақт намознинг вақтларини билиш лозимлиги.
2. Намозни вақти кириши билан ўқишга шошилиш кераклиги.

Бошқа ривоятларда Пешинни бир оз ҳаво совиганда, Бомдодни ёруғлик яхши тарқаганда ўқиш ҳам зикр этилган.

3. Жамоатни кўпайтиришни кутиб туриш жоизлиги.
4. Олим кишилардан савол сўраб туриш кераклиги.
5. Сўралган нарсанинг ўзига жавоб бериш жоизлиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 4-жузи асосида тайёрланди.